

ЗАҲМАТКАШ НАВОИЙШУНОС ОЛИМЛАР ДЕЙДИКИ...



Азиз ҚАЮМОВ,
академик,
«Буюк хизматлари учун»
ордени соҳиби:



Суима ФАНИЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони:



Муслихиддин МУХИДДИНОВ,
профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси:



Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
профессор,
Ўзбекистон Республикаси
Давлат мукофоти лауреати:



Олимжон ДАВЛАТОВ,
филология фанлари
бўйича фалсафа доктори:

— Алишер Навоийнинг замондоши, шогирди, тарихчи Хондамир ўзининг «Макорим ул-ахлоқ» асарида ёзишича, ўша даврда хориждан жуда кўп меҳмонлар Ҳиротга келар экан. У пайтларда китоб топиш муаммо бўлганлиги учун сайёхлар Навоий ғазалларини ўқиш, ўз юртларига олиб кетиш мақсадида хаттотларга Алишер Навоий ғазалларидан нусха кўчиририб, шоирнинг муҳлисларига етказар экан. Бу ҳолат Навоий ҳаётлигида ўз бўлгани, ул зотнинг ижодига юксак ҳурматни кўрсатади.

— Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-лугатайн» асарида сўз дурга қиёсланади. Дур денгиз қаърида бўлганидек, сўзининг макони инсон кўнглида: «Сўз дуррининг тавофути мундин доги бефоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятрокдур. Андоқи, шарафидин ўлғон баданга руҳи пок етар, касифидин ҳаётлиқ танга заҳри ҳалок хосияти зуҳур этар».

Навоий ҳар бир киши ўз айтар сўзига эгалик қилиши, сўз одоби, маданиятини сақлай билиши кишининг юксак инсоний фазилатлари сирасидан эканини таъкидлайди. Она тилимизга садоқат, ҳурмат-эҳтиромнинг туб моҳиятига эътиборимизни қаратади.

— Алишер Навоий ҳаэрлатларининг «Лисон ут-тайр» асарида кушлар афсонавий Семурғга олиб бориш йўлини билган қушни ўзларига раҳбар этиб тайинлашади. Бу куш Сулаймон подшоҳнинг тарбиясини олгани, Сулаймон алайхиссаломга сирдош ва маслақдош эди:

Ҳам Сулаймон базмida топган қабул,
Ҳам расул этган сени андоқ расул.

Бу байтларнинг замирида илохий, ирфоний маънолардан ташқари катта ҳаётий ҳақиқат бор.

Инсоният энг олий мақсадларга етишмоқ учун шиҷоатли ва доно, йўлнинг машақатидан хабардор, донишманд инсонлар таълимини олган Йўлбошли танлаши керак бўлади.

— Амир Низомиддин Алишер Навоий фақат ўзбек халқи эмас, балки бутун турк оламининг буюк шоири, мутафаккири сифатида жаҳон бадиий тафаккури тарихида ўз ўрни ва мақомига эгадир. Унинг жаҳон бадиияти хазинасига кўшилган шоҳ асарлари, XV асрнинг иккичи ярми темурийлар салтанати даври илм-fани ва санъатни ривожлантиришга кўшган бениҳоя катта ҳиссаси аллақачон эътироф этилган. У ҳаётини тўлалигича мамлакат равнақи, миллатнинг тинч-тотув яшаши ҳамда давлат қудратини мустаҳкамлашга бағишилади. Султон Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни «мамлакат устуни, дину давлат низоми, мулку миллат асҳоблари зудбаси, хайрли бинолар муассиси, хоқон давлати таянчи», деб эътироф этган.

— Ҳазрат Навоий ғазалларининг бирида ифтихор билан шундай ёзди:

Дедим: «Назм аҳлининг сарҳайликим бўлғай?» —
Деди хотиғ:

«Навоий бўлғай, улким сен тилайдурсен, агар бўлғай!»

Бундай юксак мартабага эришиш, Мавлоно Жомий эътироф этганларидек, макон ва замон талабларини ўз забтига олиш, мангуплика даҳлор асарлар яратиш орқали иккича дунё саодатига мұяссар бўлишининг асосий сабаби истеъоддат ва эътиқод уйғунлигига, деб ўйлайман.

Тарихда жуда кўп истеъоддли одамлар эътиқод мўртлиги сабабли ижодий ҳаётни барвағт ҳазон бўлганини биламиш. Бир умр фақат ҳақ йўлда событидам бўлиб, инсонийликнинг асосий нишонаси иймон эканлигини заррача шубҳа қўлмаган инсоннига буюклика мустаҳқидир. Ҳазрат Навоий ана шундай зотлардан эди.

«Ҳамса» ҳикматлари

Алишер Навоий оламдаги барча нарсаларнинг яратилишидан мақсад инсон эканлигини бир ўринда «Лек боридин гарас инсон эди», дега таъкидласа, бошқа бир байтда: «Бор эди инсон гули мақсад анга», дейдай:

Бу чаман ўлмогиди мавжуд анга,
Бор эди инсон гули мақсад анга.

Навоий инсонни улуғлайди. Бироннинг миннатли осидан ҳалол меҳнат билан топилган озигина нарса ҳам қимматлироқ. Ўзи меҳнат қилип топган бир дирхам бироннинг «ғанжи» — хазинасидан яшироқ:

Навоий комил инсонга хос яна бир мумкин белги сифатида ҳалол меҳнатни улуғлайди. Бироннинг миннатли осидан ҳалол меҳнат билан топилган озигина нарса ҳам қимматлироқ. Ўзи меҳнат қилип топган бир дирхам бироннинг «ғанжи» — хазинасидан яшироқ:

Бир дирам олмоқ чекибон дастранж,
Яхшироқ андинки, бироғ берса
ганж.

Бошқа бир ўринда эса, ҳалол меҳнат билан топилган қатиқисиз умочни (сувда пиширилган озигина нарса ҳам қимматлироқ) куличга, яъни шарбат, бодом, қаймоқ солиб пиширилган куличга қарши кўяди. Ўз меҳнати билан топилган умочда кўнглиги тиличли, осойиштаги бор. Бироғ берган куличнинг миннати, безоватлиги кўпроқ:

Тинг кўнгул бирла қатиқисиз умоч
Беҳзи, бироғ миннати бирла кулич.

Комил инсонга хос яна бир сифат — ростлик, яхшилини қиладиган, одоб-ахлоқли, саховатли, қиммиши ростлик ва тўғрилик, сабр-қаоатли, шукр қилиб яшайдиган, ҳалол меҳнатни қадрлайдиган, ширин сўз, нафс ва таъмадан йироқ кишинлари ана шу баҳоға лойик, деб билади. Шоир инсоннинг суврати билан сийрати, яъни ташки кўриниши билан ички дунёси мос тушиши кераклигини айтидаги. Сўз билан иш мувофиқ бўлмаса, фойдасиз эканини утиради:

Кимники, инсон дессане, инсон
эмас,

Шаклда бир, феълда яхсон эмас.

Комил инсоннинг кўнгул, сўзи, кўриниши, феъл-автори, қиладиган иши билан бўлади. Ҳакиқи инсон сабр-қаоатли, шукрлидир. Инсонни давлати, мол-мулки эмас, қаноати сарбаланд этади:

Мулк ила ўзни демагил аржуманд,
Мулк қаноат била бўл сарбаланд.

Навоий асарларida шукр қилиб яшаш гояси кўп тилга олинади. Қитъаларидан бирда иккича кишининг ҳолатини тасвирлаш орқали шукроналикни улуғлайди. Бироғ кепятли: оёғидаги кийишга калиши йўқ. Иккичиси кеплати — оёғинг ўзи йўқ. «Ҳайрат ул-абро»да бу фикр янга ҳам чукурлаширилади:

Бирни шиор айлади ёлғон демак,
Бўлмас ани эру мусулмон демак.

Ёлғончи одам ҳалқ эътиборидан қолади. Шоир «қизаб» — ёлғон, «кошиб» — ёлғончи тушунчаларига кўп тұхталади. «Туз — ҳақ», «егри — ботит», дейдай. Эргилик, ёлғончиликни «барқ» — қаҷмоқ, яшинга ҳуҷатади. Ўзи осмонда бўлса ҳам кўйига тушинни хорли деб билади. Эргилик, режасиз бироғ, текисланмаган, тенг сувича олмайдиган нотекис ер. Ёлғончилик яширик қолмайди. Тезда элга ошкор бўлади. Ёлғончиликда номи чиқан одамнинг рост сўзи бўлмайди. Унга ҳеч ким ишонмайди. Тўғри сўзи ҳам ёлғондек туюлади. Шу сабаб ҳар кандай мушуклар дамда ҳам ёлғон гапирмаслик керак:

Зарурат аро қолғон чоғи,
Демас эрсанг, дема ёлғон дого.

Навоий талқинча, дунёда бироғга

ситам етказиш, унинг қалбига озор бериш — ёмонликнишонаси. Ёмонликнинг жазоси қаттиқ бўлади. «Фарҳод ва Шири»да шундай байт бор:

Бироғлаким бироғдин етти
офот,
Ҳамоноким қатигроқдур
мукофот.

Шоир «Ҳамса»да кўп ўринларда «офот», — яъни, ёмонликнинг натижаси кўрсатиб ўтади. Бу жазонинг мезони қандай? Кичик озорнинг ҳам жазоси каттадиги:

Бироғаким бироғ шиорга
ғанжи.
Ҳамонингга ул ришини билгил ғилон.

Навоий балъи байтларда ушиб фикрларини яъна ҳам чуқайтиради. «Фарҳод ва Шири» достонида шундай байт бор:

Бироғвом ришига узди жағодин,
Эваз тутмоқ жағар кўз жадоҳодин.

Жабуру жағо — ёмонликнинг катта узви. Унинг бўлак-бўлакчалари ҳам барбирӣ зиён. Шоир талқинча, бир риши жағо зоҳир этилса, унинг оқибати жуда кўркинчи.

«Ҳамса»да «ришта» кўлгина тушунчаларни нисбатловчи сўз. У озор, таъма, кўркув, кўриниш ва яъни пайдат гўззалик ифодаси сифатида намоён бўлади. Юкоридаги байтларда ришига ўзгалирга етказиладиган озорнинг энг кичик шакли тарзида талқин этилиб, ундан кепладиган кулафтларнинг бехадлиги кўрсатилган. Ана шу руҳдаги фикрлар мана бу байтда бошқачароқ баён:

Бироғим тана ришига қилгуси,
Анинг бирла бўғизидин осилгуси.

«Садди Искандарий»да Искандарнинг Каширмур юртига кири бориси, ўз одамларига «қишидин тана қильмасун риши», дега хумкнилиги баён этилади. Риши — ил. Дор ҳам ил. Кичиккина таъмнинг жазоси катта дор — ўлим.

«Ҳамса» инсонийлик, комиллик, мазнавий етуклиқдан сабоқ берувчи ўзига хос қомусид. Ўнда ҳамма учун ўйт үйт буладиган, хаёт давомида амал қилиши зарур бўлган кўпдан-кўп сабоқлар ўз ифодасини топган.

Тоҳир ХўЖАЕВ,

Навоий давлат педагогика
институти ўзбек адабиёти
кафедраси доценти.

Алишер Навоий қанча асар ёзган?

Филология фанлари доктори, профессор Баҳром Бағоев шоир асарларида ишлатилган сўзларни ўрганиб: «...Эски ўзбек тилида ижод қилинган 24 асарида жами 26 мингу 35 та сўз кўлланган», — деган ҳусловага келади. Ҳолбуки, олим ўрганган, лекин бу ерда «асар» деб ҳисоблаганларнинг айримлари тўплам ва улар амалда бир неча асарни ўз ичига қамраф олган.

Агар гап шоирнинг бир мўқовада жамланган китоблари ҳақида бораётган бўлса, эҳтимол, 30 тача бўлар. Чунки шоирнинг 9 девони, таржима йўли билан яратилган 2 шеърий тўплами, жами 6 достони, 2 тазкираси, 3 маноқиби, тил ва адабий назарияси билан боғлиқ 3 рисоласи, яна 3 наср-бадий ва илмий-тархий асари мавжуд. Шуарни номма-ном санасак, ҳақиқатнан ҳам, улар сони 30 га якинлашади, аниқроги, 29 та бўлади.

Лекин бор-ўғи иккича сатрдангина иборат фард ҳам бир яхлит асар-ку. «Ҳазойин ул-маоний»даги мавжуд тўрт девоннинг ҳар бирида газалнинг ўзидан нақд 650 тадан, жами 2 минг 600 та бор. «Девони Фоний»да жами 556 газал мавжуд. «Ҳазойин ул-маоний»га кирмай қолган газалларни ҳисобга олмагандан ҳам, ҳаэр Навоийнинг ўзи девонларига киритган газалларнинг умумий сони 3 минг 156 тани ташкил этиади. Шоир «Лисон ут-тайр»да мероси 100 минг байт атрофида бўлишини айтиб ўтган:

Назму насрим котиби тахминшунос
Ёса, юз минг байт этар
эрди қиёс.

Алишер Навоий мероси ҳақида гап кетар экан, энг мумкин иккича жиҳатни алоҳида кайд этиб ўтиш лозим.

Биринчидан, бо